

O'zbekiston Respublikasi Fanlari akademiyasi  
O'zbekiston Respublikasi Fanlari akademiyasi



# ЎЗБЕКТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

О'ЗВЕКТИЛ  
ВА АДАБИҮОТИ

2 / 2021



O'ZBEK TILI, ADABIYOTI  
VA FOLKLORI INSTITUTI  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ  
ВА ФОЛЬКЛОРНИ ИНСТИТУТИ

# Ўзбек тили ва адабиёти

## ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда  
Ойбек асос солған

Бир йилда олти марта чиқади

**2  
2021**

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Ўзбек тили, адабиёти  
ва фольклорни институти

Тошкент - 2021

*Бош мұхаррір:*

Низомиддин МАҲМУДОВ

*Таҳрир ҳайъати:*

Рахматулла БАРАКАЕВ

Маматқул ЖҮРАЕВ

(бош мұхаррір ўринбосари)

Наним КАРИМОВ

Баходир КАРИМОВ

Дурдона ЛУТФУЛАЕВА

Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ

(бош мұхаррір ўринбосари)

Бахтиёр НАЗАРОВ

(бош мұхаррір ўринбосари)

Ёркинжон ОДИЛОВ

Эргаш ОЧИЛОВ

(масъул котиб)

Шомирза ТУРДИМОВ

Бокижон ТЎҲЛИЕВ

Алмаз УЛВИЙ

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

Бердак ЮСУФ

Курдони ҚАҲРАМОНОВ

Улутбек ҲАМДАМОВ

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

Манзилимиз:  
100060, Тошкент, Шаҳрисабз тон кўчаси, 5-уй  
Телефон: (71) 233-71-44  
E-mail: jurnal\_uzlit@mail.ru

Ўзбек тили ва адабиёти  
№ 2, 2021

Муҳаррир Э. Очилов  
Компьютерда саҳифаловчи Г. Эшмуродова

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
19.10.2017 йилда рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома №0053

МЧЖ "GLOBAL POLIGRAF DIZAYN"  
Босмахонасида чоп этилди.  
Буюртма № 04  
Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,  
Нурмакон кўчаси, 1-уй.  
Қоғоз бичими 70x108, 1/16  
Офсет босма. "Times New Roman" гарнитураси.  
Шартли-босма табоги 8.25.  
Тираж 535 нусха. Келишилган нархда.

© Ўзбекистон Республикаси ФА, 2021 йил.

катнаштирилмайди: "Хуллас, қадрдон дўстим, шоир ва ёзувчи, журналист (ва ҳоказо) Шункор Ҳобилнинг куткусига учиб, Умрзок Ўроқ ҳакида очерк битниш ишинжида ўша овлоқ посёлкага бориб келганман"<sup>14</sup>. Л.Бўрихон бу образ орқали кайсицир маънода ўзига ишора қилганини кузатиш мумкин, масалан, унинг ҳам ёзувчи эканлиги, "Жазирамадаги одамлар" номли асар ёзганлиги бир неча асарларда айтиб ўтилади. Аммо, ўзига хос жихати шундаки, бу образ бироз прототип мақомида бўлса ҳам, муаллиф уни тасвирлашда киноявий усуллар кўллайди, ҳар бир инсонда бўлиши мумкин бўлған салбийнамо жихатларини ҳам кулги остига олиб тасвирлайверади. Романинг бир ўрнида Шункор Ҳобилнинг ён дафтаридағи очерк кораламаси китобхонда беихтиёр кулги уйғотади: "Чинор ака, назаримда, сўнгти пайтларда семирган. Лекин ҳалол семирган у!.. Тўлишган бетининг гўштлари дағал, қаттиқ, яғринлари ҳам ем тиқилган қопдай тап-таранг, бикки (Маст бўлсан-да, ўшишган чоғимиз буни яққол ҳис этдим)...<sup>15</sup> Шункор Ҳобил каби Сафармурод чавандоз образини ҳам роман ва ҳикоялараро кўчиб юришини кузатиш мумкин. Бундай миграцион образлар муаллиф ижодида ўндан ортиқдир.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада Лукмон Бўрихоннинг образлар системасини яратиш маҳорати, миграцион образларнинг асардан-асарга кўчиб юриш ҳодисаси "Жазирамадаги одамлар" романни, "Сирли муаллим", "Хизр кўрган йигит" киссалари, "Чўлдан келган ташвиш", "Токчадаги тумор" ҳикоялари асосида таҳлилга тортилади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье анализируются мастерство создания образной системы Лукмана Бурихана, явление перехода миграционных образов из одного произведения в другое на примере романа "Люди жаркой степи", повестей "Загадочный учитель", "Парень, увидевший Хизра", рассказов "Суега из степи", "Талисман у окна".

**RESUME.** In this paper, the famous writer Lukman Borikhon's creating skill of the system of characters, the movement of migrating characters from one work to another are analyzed in respect of the novel "The people in desert", the stories "Secret teacher", "The boy who saw the Khizr", "The problem coming from the desert", "The amulet on the shelf".

**Таянч сўз ва иборалар:** миграцион образ, эпопея, прототип, портрет, ҳикоячи қаҳрамон, сайёр образ, кўчувчи образ, эпизод, маҳорат, жанр, воқеалар ривожи.

**Ключевые слова и выражения:** миграционный образ, эпопея, прототип, портрет, герой-рассказчик, эпизод, мастерство, жанр, развитие событий.

**Key words and word expressions:** migratory image, epopee, prototype, portrait, storyteller hero, mobile character, episode, skill, genre, scenario

## Рустам ШАРИПОВ, Нилуфар ХОДЖАЕВА "ХИНД САЙЁХИ БАЁНОТИ" ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Фитратнинг илмий ва бадиий-публицистик меросига назар ташлар эканмиз, унда муаллиф қалбини ўртаган маърифатпарварлик ғоялари давр кўзгусида акс этган сиёсий ва хуқукий муаммолар билан уйғунлашиб кетганинг гувоҳи бўламиз. Ёзувчининг "Хинд сайёхи баёноти" асари фикримизнинг далили бўла олади. У Фитратнинг Туркиядаги талабалик йилларида ёзган иккинчи насрий асари бўлиб, "роман услубида ёзилган бу асар", Садриддин Айнининг фикрига кўра, Бухоро ахолисига "Мунозара"дан ҳам кўра кўпроқ таъсир кўрсатган. Бу ҳар иккала асар

<sup>14</sup> Бўрихон Л. Титраётган тог, 204-бет

<sup>15</sup> Бўрихон Л. Жазирамадаги одамлар, 265-бет.

мавзу нуктаи назаридан ўзаро якин: уларда бухоролик ёш талабанинг она юртида хукм сураттган вазиятни халқ ва унинг келажаги фойдасига ўзгартиришга қаратилган фикрлари етакчилик қиласди. Агар Фитратнинг биринчи асарида Фарангি билан Мударрис гўё Хиндишонда дафъатан учрашиб қолиб, ўзаро баҳсга киришган бўлсалар, бу асарда Ҳинд сайёхининг Бухорода кўрган-кечиргандари тасвир доирасига тортилади. Асарда Бухоро амирлиги худудидаги ҳаётнинг барча ижтимоий ва маданий кирралари ёритилади, муаммолари ўртага ташланади. Бу асарда ҳам амирликдаги нохуш манзараларни фош этиш пафоси устувор аҳамиятга эга. Файзулла Ҳўжаевнинг ушбу асарда "амирликнинг чирик системаси" кескин фош қилингани тўғрисида айтган сўзлари унинг Бухоро амирлигига карши курашда "ёш бухороликлар" учун дастуруламал аҳамиятига молик бўлганидан шаҳодат беради.

"Ҳинд сайёхи баёноти" форс-тоҷик тилида ёзилган бўлиб, 1912 йили Истанбулда нашр этилган. Фитрат энди бу асарда Бухоро ҳақида кўп яхши гапларни эшигтан ва шу гаплар таъсирида бу кўхна мулкка ташриф буюрган Ҳинд сайёхи образида ҳаракат қиласди. Шунинг учун ҳам асарда ҳинд сайёхининг назарига тушган ва унда ё салбий, ё ижобий фикрларни уйғотган ҳодисалар муаллифнинг типиклаш "ғалвири"дан ўтган ва асарга муйян мақсадда жалб этилган ҳодисалардир. Бинобарин, бу ҳодисаларга берилган баҳо ва бу ҳодисалар таъсирида пайдо бўлган фикрлар ҳам ёзувчи учун айни муддао бўлган фикрлардир.

Фитрат бу асарга ҳам ҳинд сайёхи билан бирга иккинчи персонажни киритишни лозим, деб топган. Аммо, "Мунозара"дан фарқли ўлароқ, бу персонаж Ҳинд сайёхининг антиподи, аксилкиёфаси эмас, балки маслакдоши бўлган бухоролик навқирон йигитдир. Уни биз "ёш бухороликлар" ҳаракатининг келгуси аъзоси сифатида идрок этсак, хато бўлмайди.

Фитрат асар бошида Бухоро аҳолисини уч тоифага ажратиб кўрсатади: булар уламо, умаро ва фуқародир. У уламони бундай таърифлайди:

"Маълумингизки, Бухоро қадимдан фоят доно ва зукко бўлиб этишган фузало аҳлини тарбиялаб, вояга етказган. Ҳар куни бир Абу Али, Фаробий, Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ва Улугбек кабиларни жаҳонга ҳадя этиб, шу тариқа ўзининг шарафли довругини жаҳон ҳалқларининг кулоқларига зирақ қилиб таққан. Аммо, мана, икки юз йилдирки, ўзининг илмий қимматини йўқотмиш. Мирзажон Шерозийнинг<sup>1</sup> келиши билан Бухоро уламолари "зиёдати лафзи салосин" маънисини таҳқиқ этишдек нафъсиз ишға берилиб, адашмишлар. Туркистонлиларнинг кўпчилиги айни шунда таҳсил кўрганлари боис бухоролиларга эргашиб, улар ҳам жаҳолат ва гафлат ботқоғига ботмишлар. Алалоқибат маданият осмонининг порлок юлдузи, инсоният китобининг нурли саҳифаси бўлмиш Туркистонни дўсту душман олдида эшлишиш ва гапуриш бобида уятлиқ бир ҳолға етказмишлар, ҳалокатга мубтало этмишлар"<sup>2</sup>.

Кўрамизки, Бухоро аҳолисини ташкил этган уч тоифа ичидаги салмоқли мавқени эгаллаган уламо "Мунозара" орқали танишимиз Мударриснинг қавмидир. Фитрат ана шу тоифанинг "нафъсиз иш"ларга берилиши ва адашиши орқасида Бухоро амирлиги XVIII асрдан бошлаб

<sup>1</sup> XVIII асрларда Эрондан келиб, Бухорода ўрнашган мударрис.

<sup>2</sup> А б д у р а у ф Ф и т р а т . Танланган асарлар. I жилд. – Тошкент: "Маънавият", 98-99-бетлар. "Ҳинд сайёхи баёноти" асаридан олинган кўчирмалар манбаи бундан кейин матидан кейин қавс ичидаги кўрсатиб борилади.

тубанликка юз туттан ва бугунги кунда "жаҳолат ва гафлат ботқоги"га боттан, деб хисоблайди.

Фитратнинг фикрига кўра, иккинчи тоифа, ўз навбатида, икки турухга ажралади:

"Биринчи, жоҳил ҳокимзодалар бўлиб, оталарининг хукмронлиги даврида фиску фужур ва бемаъниларча майшатта берилиб, барча инсоний фазилатлардан, ҳатто зарурий хат-саводдан ҳам бебахра қолмишлар. Бошқа бир тоифа аттор ва боққоллар бўлиб, ҳар икки дунёнинг саодатидан имкон борича баҳрамандлик истамишлар ҳамда илму фазл таҳсилини инсоний фазилатлардан биладиларки, ҳаммалари бирлашиб, турлича йўллар билан ҳокимликнинг олий мартабасига етмишлар" (99–100).

"Миллат қандай юксалади, мамлакат қайси йўл билан боййди, давлатнинг хазинасини қандай тўлдириш мумкин" каби масалалар Фитрат томонидан умаро тоифасига киритилган кишиларнинг тушига ҳам кирмайди. Негаки, улар: "Муайян ҳокими мансабдорнинг ҳалқ олдидағи вазифаси недан иборат, ҳалқнинг ҳокимга нисбатан ҳукуқи қай даражали" каби андишаларни ҳеч қачон эшитмаганлар.

Бухоро амирлигидаги мудхиш ҳаёт манзараларининг "муаллифлар"и, Фитрат назарида, ана шу ҳар икки тоифа кишилари дидир. Биз юқорида учинчи тоифани тилга олган эдик. Ёзувчи бу тоифага нисбатан муносабатини бундай изоҳлади: "Фуқаро: Бу бечораларда айб йўқ, улар ҳар ишга қодирдирлар. Бироқ айблари шундаки, буни ўzlари ҳам билмайдилар" (100).

Фитрат Бухоро хақидаги ана шундай хулосавий фикрлар билан Ҳинд сайёхи киёфасида Бухоро дарвозасига етиб келади. Сайёҳ тушган арава қуёш ботганидан бирмунча кейин шаҳарга етиб келгани туфайли Бухоро дарвозаси ёпилган ва шаҳар ташқарисида қолган мусулмонларда ичкарига кириш умиди қолмаган эди. Лекин улардан кейин етиб келган "икки-уч аравадаги арманлар" ҳам, сўнгроқ "яхудий тўла бир неча аравалар" қархисида ҳам дарвозалар осонгина очилиб, улар шаҳарга бемалол кириб кетадилар. Орадан бир қанча вақт ўттач, бояги арманилардан бири ити шаҳар ташқарисида қолганини сезиб, уни ҳам чакириб, олиб кириб кетади. Аммо арманиларнинг ҳатто ити қархисида очилган дарвоза соҳиблари уларни ит ўрнида ҳам кўрмайдилар. Фитрат ана шу тарзда асар муқаддимасидаёқ умаро тоифасининг фуқарога бўлган муносабатини яққол кўрсатиб беради. Гарчанд фуқарога берилган тавсифда "бу бечораларда айб йўқ", дейилган бўлса-да, сайёҳ тушган араванинг жин кўчада қархисидан келиб қолган арава туфайли тўхтаб қолиши ва икки ўргада уруш чиқиши манзарасида фуқаронинг ҳам беайб эмаслиги маълум бўлади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам "ориятли" бўлгани учун четланиб, иккинчисига йўл беришни хоҳламайди. Фақат муштлашиш натижасигина кимниг "марҳаматли" бўлиши кераклигини аниқлаб беради. "Улар ҳар ишга қодирдирлар. Бироқ айблари шундаки, буни ўzlари ҳам билмайдилар" – биз шу саҳнада бу сўзларнинг чукур маънога эга эканлигини сезамиз.

Сайёҳ Бухорога илк бор келгани туфайли саройбондан "бирор диккаттортар жой"ни тавсия этишни сўрайди ва унинг тавсияси билан Ҳавзи Девонбегига йўл олади. Ҳовуз чиндан-да катта экан. Ҳовузнинг қиёбла томонида кенг бир майдон, майдонда эса катта бир масжид қад кўтарган. Бухоро ахолисининг кўпчилиги намозни шу ерда ўқир экан.

Сайёҳ ҳовуз бўйидаги супада ўтириб, чой ичади, ён-веридаги кишиларни сухбатга тортади. Бу сухбатдан маълум бўлишича, одамлар катта мешларда ҳовуздан сувни ичиш учун олиб кетишаётган экан.

"Мен: Ҳали сизлар ҳам шу ховуздан сув ичасизларми?  
Мулла бир аччик билан сўради: Бу сувга нима килибди?  
Мен: Бунинг соғлиқка катта зиёни бор.

Мулла: "Ҳар бир тирик жонни сувдан яратдик", лейди Куръони карим. Сувнинг инсон соглиғига фойдаси бор, наинки зарари бўлса...

...Мен: Қаранг, кўпчилик ховузда таҳорат оладилар, оғиз ва бурунларини чаядилар, лой оёқларини ювадилар. Агар сартарошлиқ, чойхона, каллапаз ва балиқпазларнинг ҳам чиқиндилаrinинг хисобини олсак, ҳар куни бу ховузга ярим ман (4 пуд – Р.Ш.) ифлос тушар-ов.

Мулла: Бу билан нима демоқчисиз? Бу ховуздан сув ичмайликми?

Мен: Сув ичманглар демайман. Бу ховузда таҳорат олманглар, бурун ва оёқларингни ювманглар, ахлат ва чиқиндилаrinни бунга ташламанглар, демоқчиман. Чунки ичадиган сув тоза бўлиши керак" (103).

Фитрат ана шу сайёҳ қиёfasида Бухоронинг турли "дикқаттортар" жойларига назар ташлаб, шаҳар ва ҳалқ ҳаётининг хунук манзараларини тасвирлайди. Бу манзараларда унинг эътиборини тортган асосий нарса хурофот ва унинг турфа кўринишларидир. Масалан, у Баҳоуддин мозорини зиёрат этар экан, одамларнинг икки-уч жойда осилган қўчкор шоҳларини ўпаётгани, от думидан ясалган туғларни кўзларига суртаётгани ва шу туғнинг чўпига "ўзининг паришон рӯзғоридан" шикоят қилиб, ҳожат чиқармоқчи бўлганини кўради. Орада маддоҳ пайдо бўлиб қолиб, бемаъни гаплардан иборат қиссани айтиб, одамлардан пул йигади. Бу манзаранинг гувоҳи бўлган ҳинд сайёҳи дейди:

"Пайғамбаримиз ҳазрат "Қабристонни зиёрат қилингиз, у сизга охиратни эслатади", – деб буюрганлар. Албатта, қабристонни зиёрат қилиш, агар ўлим ва қиёматни эслаш учун бўлса, бу яхши ишдир. Аммо, масъала шуки, зиёратни бутпарастлик даражасига етказмаслик жоиз. Инсоф қилинг: Ҳазрат мозоротида намоз ўқийсиз, мозор яловининг чўпига сажда қиласиз, ҳожатларингизни Баҳовиддиндан сўрайсиз. Бугун Бухорои шарифда кимса йўқки, "Ё, Оллоҳ!" ўрнига "Ё, Баҳовиддин!" деса. Бу ишларнинг ҳеч бири шариатда жоиз эмас... Биз Ҳазрат Баҳовиддинни яхши кўрамиз, аммо, бу муҳаббатимиз, эҳтиром ва зиёратимиз бизни шариат қонунларидан чиқариб, баҳовиддинпарастликка олиб келмасин" (107).

Агар Ҳамза 1929 йилнинг мартаида Шоҳимардонда Ҳазрати Алининг сохта мозоридаги латта-путталарни йўқотиб, бутпарастликка қарши курашмоқчи бўлган ва шу курашда ҳалок қилинган бўлса, Фитрат худди шундай ҳаракатни Ҳамзадан қарийб йигирма йил аввал катта назокат билан килган. Ўшанда ҳам ҳалққа сўз ёрдами билан, Пайғамбаримиз ҳадисларини келтириш йўли билан тушунтирмоқчи, зиёрат билан бутпарастлик ўртасидаги фарқни кўрсатмоқчи, бутпарастликнинг шариатга мутлақо зид ҳодиса эканини айтмоқчи бўлган. Агар ўйлаб кўрилса, бутпарастлик сингари ҳоллар уламолар томонидан қораланиши, ҳатто бартараф этилиши лозим. Лекин вазиятнинг ҳам кулгили, ҳам аянчли томони шундаки, бундай ишлар улар иштироқида, уларнинг рағбатлантиришлари орқасида содир бўлади ва улар шахсий тамалари йўлида бундай ношаръий ишларга кўл урадилар. Шу тарзда мавзуяна дин арбобларига бориб тақалади.

Сайёҳ Кўкалдош мадрасасини зиёрат килар экан, ҳамроҳи мадрасада бир юз қирқ бир ҳужра, дарсхона, кутубхона, масжид ва умумий ошхона борлиги, йилик вакф пули 1500 минг танга бўлиб, ҳар йили унинг минг тангаси кутубхонага берилишини айтади. Маълум бўлишича, вакф пулидан 24000 тантани мударрис олар, қолган қисми эса имом, сўфи,

фаррош, мешкоб, сартарош ва хужра эгалари ўртасида тақсимланар экан. Дўстининг бу сўзларидан кувонган сайёҳ: "Алҳамдулиллоҳ, Бухоро бу вожҳдан ўзининг шарафини тўла химоя қилған экан", дейди. Аммо дўсти "ғамли нигоҳ"ини сайёҳга қадаб, "Оҳ... кошки!" – деб кўяди ва "катта машаккат билан" ўзини босади.

Бухорода икки юзга якин мадраса бўлиб, шулардан ўттиз учтаси олий, ўттиз тўккизтаси ўрта, юздан зиёдаси эса қуи тоифага мансуб экан. Бундан ташкари, уч юзта қуи мактаб, ўн битта кутубхона, йигирмадан ортиқ ошхона, шунингдек, беш-олтита корихона ва қиркка якин тахоратхонанинг хам мавжудлиги маълум бўлади. Сайёхнинг дўсти бундай кувончли маълумотлар беради-да, орадан бир неча дақиқа ўтгач, "ух" тортиб, дейди:

— Оламга тўрт юз олимни берган Бухоройи шариф шунчалик мустахкам илмий кувватга эга бўла туриб, эмди... оҳ! Буюк бадбаҳтлик билан икрор бўламанки, ҳозир бу маърифат куёшининг осмони, бу инсоният оламининг жаннати, бу фозиллар дунёсининг маъмур хонадони, бу маърифат оламининг дарсхонаси тараккиёт учун барча имкон ва воситаларга эга бўлса ҳамки, жаҳолатнинг асл макони, хорлик занжирининг асиригича қоляпти. Тириклик учун барча зарур ашёларга эга бўлишига қарамай ёқасини ажал панжасига топширмиш!" (113)

Хўш бунинг боиси нимада? Бунга ким айбдор?..

Сайёхнинг ҳамроҳи тилга олинган ўкув даргоҳларининг ҳар бирининг ихтиёрида қанчадан-қанча вақф пулининг борлигини айтган ва сайёҳ буни эшишиб, чин дилдан қувонган эди. Лекин...

"Воажаб! Нега? Бас, шунинг учунки, – жавоб беради ҳамроҳ, – юкоридағи барча хайрли масканлар, ҳисобсиз маблағлар ҳалқ мулкини таловчи бир тўда разолатпеша худобехабарларнинг жаҳолат уйига айланиб, икки-уч ўз корнини ўйлайдиган инсофсиз кимсаларнинг фасод тўла қозонини қайнатишдан бошқа нарсага ярамаса, бироннинг оғирини енгил қилмаса, улардан ҳалқка қандай наф?" (113–114)

Ҳамроҳ давом этиб, Бухоро амирлигидаги даҳшатли жароҳатлардан бирини очади:

— Ҳа, икки юзта мадрасамиз бор. Уларнинг ҳаммаси тўрт милийун тангага якин вақфга эгалар. Факат бу вақфларнинг ҳаммаси иккига бўлуниб, бир қисми "ҳаққи ул-тадрис" (ўқитиши ҳақи – муаллифлар) номи билан дарс берувчиларнинг "ҳамият" чўнтағига киради. Иккинчи қисми эса, хужраларга қараб тақсимланганлари учун, ҳеч шубҳаланмай, бечора муллабаччаларнинг ҳалол ҳақларига, десак бўлар. Бадбаҳтликни кўрингки, ушбу хужраларни ҳам муфтилар, мударрислар ва бошқа давлатманд уламолар ўзларининг мулкларига айлантиришган. Зеро, муллаваччаларнинг вақф пулларини ҳам ўзларига олғанлар. Ҳатто хужраларни ҳам ўн мингдан қирқ минг тангагача нархда сотмишлар..." (114).

Шундай қилиб, Амир Темур давридан шу вақтгача қанчадан-қанча олимларни етиштирганлиги билан мақтанувчи уламо Бухоро амирлигидаги мудҳиш шароитнинг бош сабабчиси бўлиб чиқади. У нафақат эски идора усулини қўллаб-куватлаши, ҳар қандай янгиликка, ҳатто, "усули жадида" мактабларини очишга ҳам қаршилик кўрсатиши, балки мадраса, мактаб, кутубхона ва талабаларга ажратилган катта маблағни "тую қилиши" билан ҳам Бухорони "жаҳолатнинг асл макони", "хорлик занжирининг асири"га ҳам айлантирмоқда эди. Демак, "Мунозара"да айтилганидек, Бухородаги ахволни танглаштирган асосий сабаб илмга бўлган рағбатнинг йўқлигидир.

Агар Фитрат "Мунозара"да Европадан ўрганиш, Европа илмидан баҳраманд бўлган ҳојда тараққиётта эрицини мумкин, деган гояни қўйган ва Бухоро амирлигидаги аҳвол таҳлили уни шу холосага олиб келган бўлса, бу асарда Бухоро жароҳатларини очиш асносида Шарқнинг Европа халқлари тарихида ўйнаган буюк ролини кўрсатишга ҳам эътиборни қаратган.

Сайёҳ дўстининг Бухородаги бугунги вазиятдан маъюслангани ва ҳатто умидсизланганини кўриб, унинг дикқат-эътиборини ўрта асрлар тарихига жалб этади:

"... Бугун бизни ўз ихтиrolари билан, янги-янги хунарлари билан ҳайратда қолдираётган Оврупонинг аҳволи ўрта асрларнинг бошларида ҳозирги аҳволимиздан ҳам бадтар эди. Аҳоли жоҳил ва мазлум, ҳоким ва руҳонийлари эса фожир ва золим эдилар. Руҳонийлари жуда кўп ерга эга бўлишиб (худди Бухоро ё Туркистондагидек! – муаллифлар), ҳар бирларининг ўз байроқлари бор, боз устига пул ҳам зарб этар эдилар. Айримларининг мулклари эса бутун бир вилоят ерларига келарди. Ҳукумат кишилари уларнинг ерларига кириб, солиқ ололмаганлар...

Фақат бугина эмас, улар ҳукумат ишларига ҳам аралашар, ўша даврнинг қирол ва императорлари ўзларини калисонинг муҳиблари, деб билишарди. Бирон-бир амир ёки подшоҳ руҳонийларнинг гапларини икки қила олмаган" (118–119).

Фитратнинг Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган йилларида бу мадрасалардаги аҳволни яхши билганлиги ва ўрганганлиги шубҳа уйғотмайди. Бироқ шу муҳитда улғайган талабанинг Европа халқлари тарихидан бу қадар хабардорлиги ва билим бойлигидан ўз ўрнида фойдаланиши унга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотади.

Фитрат яна 1095 йилда бошланиб, 1492 йилга қадар давом этган салиб юришига тўхталиб, худди шу вақтда Европа уруш ҳаракатларини исломга қаратганига қарамай, Европа аҳли билан мусулмонлар ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилгани ва бу муносабатлардан биринчи навбатда Европа аҳли кўп моддий ва маънавий фойда кўрганлигини айтади. Сўнг ўз фикрининг исботи сифатида француз олими Шарл Санивюснинг қўйидаги фикрларини келтиради:

"Ўн биринчи асрда Оврупа ва ислом олами бутунлай бир-бирларига қарши эдилар. Оврупа шаҳарлари кичик ва оддий, қишлоқлари вайронга кулбалардан иборат бўлган... Ислом олами эса Бағдод, Шом, Миср, Андалус сингари бутунлай обод ва кўркам шаҳарлар, мармар билан безатилган саройлар, мукаммал корхоналар, мадраса ва мактаблар, зийнатли ва озода бозорларға эга бўлган. Далаларнинг ҳар қадамидаги гўшалару хирмон-хирмон ҳосилни кўрганнинг кўзи қувонар эди. Испания билан Туркистон ўртасида савдо карvonлари бемалол бориб келарди. Овруполилар мусулмонлар тараққийсини холис ният билан қабул қилиб, қасб ва ҳунар ўрганиш ниятида ислом шаҳарларида таҳсил кўрганлар. Оврупа мусулмонлар билан алоқа ва муносабат ўрнатиш орқали тараққий қилған. Овруполиларнинг ислом оламидан қабул қилған ишлари тубандагилар:

З и р о а т: кўк буғдой, тут дарахти, гугурт, хурмо, лему, пўртаҳол пахта, қаҳва ва найшакар.

С а н о а т: шойи газламалар, зар тўқиш, шиша, ойна ва қофоз.

И л м - ф а н: ал-жабр ва ал-муқобала, ҳандаса, чизмачилик, кимё, ҳисоб ва ҳоказо. Ислом аҳли Юнон, Эрон, Ҳинд, Чиннинг илму фандаги ихтиrolарини тўплаб ва ўзларидан кўпгина нарсалар кўшиб, охир-окибат буларнинг барини овруполиларга топширдилар" (120).

Француз олимининг Фитрат диккат-эътиборини қозонган бу эътирофномаси икки томондан аҳамиятли. Биринчидан, бу унугилаёзаган хакикат муаллифнинг ҳали талаба бўлишига карамай, жаҳон ҳалқлари тарихини, шу жумладан, Шарқ ва Фарбнинг ўзаро муносабатларини пухта ўргангани, бинобарин, акл ва заковати юксалгани ва ўз ватандошларига миллий тараккиёт йўлини кўрсатиш ҳукукига эга эканидан шаҳодат беради. Иккинчидан эса, модомики, Шарқ, хусусан, Туркистон ҳалқлари ўтмишида шундай тараккиёт боскичига кўтарилган ва ҳатто Farb ҳалқлари улардан кўп нарсани олган эканлар, демак, бу ҳалқлар якин келажакда ҳам ўзларининг илгариги мавқеларини тиклашлари мумкин, фақат бунинг учун улар илм ва фанга катта иштиёқ билан киришишлари лозим, деган асар гояси муайян бир заминга эга, ишонарли ва ишонтиарли гоя ўларок жаранглайди.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада Фитратнинг "Ҳинд сайёхи баёноти" асари маърифатпарварлик гояларининг ўз даврининг сиёсий ва ҳукукий муаммолари билан уйгуналашиб кетгани жиҳатидан таҳлилга тортилади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье проанализировано произведение "Ҳинд сайёхи баёноти" ("Заявление индийского путешественника") Фитрата с точки зрения гармония идеи просветительства с политическими и правовыми проблемами своего времени.

**RESUME.** The article analyzes Fitrat's "Statement of the Indian Traveler" in terms of the harmonization of Enlightenment ideas with the political and legal problems of his time.

**Таянч сўз ва иборалар:** Фитрат, "Ҳинд сайёхи баёноти", маърифатпарварлик гоялари, ҳинд сайёхи, тасвир, услуб, ифода, маҳорат.

**Ключевые слова и выражения:** Фитрат, "Ҳинд сайёхи баёноти" ("Заявление индийского путешественника"), просветительские идеи, индийский путешественник, описание, стиль, выражение, мастерство.

**Key words and word expressions:** Fitrat, "Indian Traveler's Statement", Enlightenment Ideas, Indian Traveler, Image, Style, Expression, Skill.

## Гулноза ЖЎРАЕВА БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВНИНГ ЎРНИ

Болалар адабиётида ҳажвий образнинг майдонга келиш жараёнларини кузатиш мухим. Болалар адабиёти – бегубор адабиёт. Унда болаларга хос турфа туйгулар, орзу-умидлар, идеаллар ўз аксини топади. Айни чогда болалар шеърияти ҳам инсоният болалиги сингари содда ва бегубор самимиятга йўғрилган. Ушбу маънавий ҳудуд инсониятнинг бир парчаси сифатида унинг кечмишидаги бутун мураккаблик ва зиддиятларни ўзига хос тарзда намоён қиласди. Шу боис болалар, бир томондан, акли, мард, жасур, кўрқмас, адолатпарвар, виждонли, ватанпарвар бўлишса, иккинчи томондан, шўх, ўйинкарок, тўполончи, дангаса, ялковлиги, баъзан эса нафси ни тиёлмаслиги, ширинликка ўчлиги, очофатлиги билан диккатни тортади. Болалик олами айни шу жиҳатлари билан катталар оламидан фарқланади. Маътумки, психологик нұқтаи назардан катталарда характер хусусиятлари тўлиқ шаклланган бўлиб, ҳаётдаги ҳар бир воқеа-ходисага акл-мушоҳада оркали ёндашади. Катталар орасида учрайдиган салбий типлар ўзига хос баркарор табиати билан фарқланиб туради ва уларнинг адабиётдаги тасвири ҳам алоҳида ҳажвий бўёкларни тақозо этади. Кичкинтойлар оламида нисбатан бекарорлик мавжуд. Улар табиатида учрайдиган баъзи бир нуксонлар, қусурлар вакт ўтиши билан аклнинг қуюлиши, фикрнинг тиниклашуви, ўқищ, билим олиш ва турли тарбиявий воситалар натижасида ижобий томонга ўзгариши мумкин.

## МУНДАРИЖА

### Тилшунослик

А.Собиров. Миллӣ тикланишдан миллӣ юксалинга ўтишда давлат тилининг ўрни ..... 3

Ш.Кучимов. Маъмурӣ суд ҳужжатлари тилининг юрижингиистик тадқиқи ..... 8

А.Мадвалиев, Н.Махкамов. Ҳалқаро терминъементлар ва термин ижодкорлиги ..... 14

### Фольклоршунослик

М.Жураев. Ўзбек фольклорида астралъ мифлар типологияси ..... 21

А.Эргашев. Дўмбира кўйлари таснифи и доир ..... 29

### Илмий ахборот

Х.Ҳамидов. Миллӣликни кайта яратишда таржимон маҳорати ..... 33

Ш.Имомназарова. Мавсумий маросим фольклорини ўрганишдаги муҳим минба ..... 37

Ў.Рӯзиева. Лукмон Бўриҳон асарларида сайёр образлар ..... 44

Р.Шарипов, Н.Ходжаева. "Ҳинд сайёҳи баёноти" ҳакила айrim мулоҳизалар ..... 49

Г.Жураева. Болалар шеъриятида ҳажвиинг ўрни ..... 55

О.Ҳамроева. Ташриъ санъатида бадиият, кофия ва вази уйғулиги ..... 60

А.Эшниязова. Киссада рамзий-мажозий тасвир ..... 64

Б.Жоалиев. Назар Эшонкул хикояларида мифологик образлар ..... 68

Г.Рахимова. Поэтик образ яратиш: айланна ва маҳорат ..... 70

О.Абдураҳмонова. Навоийнинг хоразмлик издоши ..... 73

Б.Бўронова. "Юлдузли тунлар"даги шеърий парчалар таржимаси ..... 77

Ф.Бафоев. Ўзбек ва немис ҳалқ маколларида ҳайвонлар образи ..... 81

А.Сабриев. "Хусну дил" достонининг матний тадқики ..... 85

М.Ҳафизова. Эркин Воҳидов ижоди шаклланишида "Ғайратий мактаби"нинг ўрни ..... 88

М.Оманова. Сайдулла Сиёсванинг "Аҳмад Яссавий" романи ҳакида ..... 91

Д.Маткурбонова. Чўллоннинг "Гавҳарой" хикоясида аёл тақдири тасвири ..... 94

М.Мансурова. Ижодкор образининг ўрганилишига доир ..... 98

О.Исманова. Рамзий тасвир маҳорати ..... 101

Д.Собирова. Ўзбек болалар шеъриятида ономатопеядан фойдаланиши ..... 103

Ж.Сиддиқов. Урбанолингвистика – тилшуносликнинг янги йўналиши сифатида ..... 106

А.Ҳасанов. Иш қуроллари ва уй анжомлари билан боғлик диалектизмларнинг лингвистик аҳамияти ..... 110

З.Муқимова. Белида белбоги бор иборасининг лингвомаданий ҳусусиятлари ..... 114

Д.Ўраева, Н.Ҳикматова. "Бозор" сўзи иштирокида шаклланган ясама сўз, бирикма ва иборалар ..... 119

А.Расулов. Тил сатҳида майдонлараро боғланиш ..... 122

### Фанимиз заҳматкашлари

Ф.Сапаева. Уч ҳалқ адабиёти хизматидаги олим ..... 127

Ҳ.Ҳомидий. Ёшларнинг маънавий пешвоси ..... 130

## CONTENT

### LINGUISTICS

A.Sobirov. The role of the state language in the transition from national revival to national development.....	3
Sh.Kuchimov. Jurisprudential study of the language of administrative court documents.....	8
A.Madvaliev, N.Mahkamov. International term-elements and term creativity.....	14

### Folklore studies

M.Juraev. Typology of astral myths in Uzbek folklore.....	24
A.Ergashev. On the classification of dumbira tunes.....	29

### Scientific information

H.Hamidov. The skill of a translator in re-creating nationalism.....	33
Sh.Imomnazarova. An important source in the study of seasonal ceremonial folklore.....	37
U.Ruzieva. Traveling images in the works of Lukman Burikhan.....	44
R.Sharipov, N.Xodjaeva. Some comments on the "Indian Tourist Statement".....	49
G.Juraeva. The role of humor in children's poetry.....	55
O.Hamroeva. The combination of art, rhyme and vazn in the art of Tashri.....	60
A.Eshniyazova. Symbolic-figurative image in the story.....	64
B.Jovliev. Mythological images in the stories of Nazar Eshankul.....	68
G.Rahimova. Creating a poetic image: tradition and skill.....	70
O.Abdurahmonova. A follower of Navoi from Khorezm.....	73
B.Buranova. Translation of poetic fragments in "Starry Nights".....	77
F.Bafoev. The image of animals in Uzbek and German folk proverbs.....	81
A.Sabriev. Textual research of the epic "Husnu dil".....	85
M.Hafizova. The role of the "School of Gayratiy" in the formation of Erkin Vahidov's work.....	88
M.Omanova. About Sadulla Siyaev's novel "Ahmad Yassavi".....	91
D.Matkurbanova. The image of a woman's destiny in Cholpon's story "Gavharoy".....	94
M.Mansurova. Concerning the study of the image of the creator.....	98
O.Ismanova. Symbolic image skills.....	101
D.Sabirova. Use of onomatopay in Uzbek children's poetry.....	103
J.Siddikov. Urbanolinguistics as a new direction of linguistics.....	106
A.Hasanov. The Linguistic significance of dialectisms related to work tools and household appliances.....	110
Z.Mukimova. Linguocultural features of the phrase there is a "Бешада белбози бор".....	114
D.U'raeva, N.Hikmatova. Artificial words, combinations and phrases formed with the participation of the word "bozor".....	119
A.Rasulova. Intersectual communication at the language level.....	122

### Doers of Science

F.Sapaeva. Scholar in the service of three nation literatures.....	127
H.Homidiy. The spiritual leader of the youth.....	130